



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 01 | pp. 130-134 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Казаков О.С.

профессор, Наманган мухандислик-технология институти

Аннотация: Иқтисодиёт ривожланишида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган корхоналарнинг аҳамияти катта бўлиб, уларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Мақолада кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши таҳлил қилинган бўлиб, уни ривожлантириш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: Иқтисодиёт, тадбиркорлик, глобаллашув, ижтимоий масъулият, ривожланиш йўналишлари.

Аннотация: Предприятия, занимающиеся предпринимательской деятельностью, имеют большое значение в развитии экономики, и уделяется большое внимание к их дальнейшему развитию. В статье анализируется развитие малого бизнеса и предпринимательства, исследуются проблемы его развития.

Ключевые слова: Экономика, предпринимательство, глобализация, социальная ответственность, направления развития.

The summary: Enterprises engaged in business activities are of great importance in the development of the economy, and attention is paid to their further development. The article analyzes the development of small business and entrepreneurship, and explores the issues of its development.

Key words: Economy, entrepreneurship, globalization, social responsibility, directions of development.

Кириш. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида муҳим вазифалар сифатида қуйидагилар белгиланган:

барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;

аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;

аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш (1).

2030 йилга бориб мамлакатимиз ялпи ҳудудий маҳсулотини 160 миллиард долларга етказиш ва аҳоли жон бошига эса даромадларни 4 минг долларга етказиш вазифаси белгиланган (1). 2024 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 6,5 фоизга ошиб, 115 миллиард долларга етди, хорижий инвестиция 1,6 баробар ўсиб, 34,9 миллиард долларни ташкил қилди, қиймати 10 миллиард долларлик 242 та

йирик ва ўрта лойиҳалар ишга тушди, экспорт илк бор 27 миллиард долларга чиқди (3).

Иқтисодиёт олдига қўйилган бу вазифаларни бажариш мақсадида кичик ва ўрта бизнеснинг халқаро бозорларга чиқишига имкониятларни кенгайтириш, микромолиялаштиришни ривожлантириш, инновациялар ва стартапларни қўллаб-қувватлаш ҳамда йирик бизнес билан кооперацияни ривожлантиришнинг янги инструментларини амалиётга жорий этиш, оилавий тадбиркорлик асосида бандликни таъминлашда оддий «қўл меҳнати»дан — саноатлашган ишлаб чиқариш босқичига ўтиш, ускуна сотиб олиш учун имтиёзли кредит миқдорини 100 миллион сўмгача ошириш белгиланган (1).

Иқтисодиётнинг янада жадал суръатларда ривожланишини таъминлаш, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатларини амалга ошириш, аҳолининг вақтинча иш билан таъминланмаган қисми учун иш жойларини яратиш, инновацион фаолият самарасини ошириш учун бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Асосий қисм. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти жадал суръатларда ривожланмоқда. Ғарбий Европа мамлакатларининг кўпчилигининг ялпи миллий маҳсулотида тадбиркорлик субъектларининг улуши 70-80 фоизга чиқиб қолди. Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 70 фоизидан ортиқроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ҳам тадбиркорликни янада ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилинмоқда ва бунинг натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. 2023 йили вилоятда 23136 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатдилар. Уларнинг 1891 таси қишлоқ хўжалигида 4880 таси саноат соҳасида, 1642 таси қурилишда, 9023 таси савдо соҳасида, 1318 таси яшаш ва овқатланиш хизматида фаолият юритдилар (1-жадвал). Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларида ҳолатини ўрганганимизда, уларнинг 39,0 % савдода, 21,1 % саноатда, 8,2 % қишлоқ хўжалигида ва 7,1 % қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётганлиги аниқ бўлди (1-жадвал). Бу корхоналарда ҳаммаси бўлиб 86467 минг киши иш билан банд бўлиб турмоқда. Қўйилган мақсадларга эришиш учун кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш, улар сонини орттириш билан биргаликда, уларда фаолият юритадиган ходимлар сонини ҳам орттириш, кўпроқ рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш талаб қилинади.

1-жадвал

Наманган вилоятида 2023 йилда кичик бизнес субъектлари бўйича
маълумотлар

(бирликда)

Кўрсаткичлар номи	Кичик бизнес субъектлари сони	Жамига нисбатан улуши (%)	Улардаги иш ўринлари сони (нафар)
-------------------	-------------------------------	---------------------------	-----------------------------------

Жами фаолият кўрсатаётганлар:	23 136	100,0	86 467
шундан,			
- қишлоқ хўжалигида	1891	8,2	4 457
- ўрмон хўжалигида	8	0,0	20
- саноатда	4880	21,1	27 234
- қурилишда	1642	7,1	15 981
- савдода	9023	39,0	18 933
- ташиш ва сақлаш хизматида	960	4,1	4 069
- яшаш ва овқатланиш хизматида	1318	5,7	4 510
- бошқаларда	3414	14,8	11263

Тадбиркорлик фаолиятини янада жадал суръатларда ривожланиши ва кенг қулоқ ёйиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий база яратилиши лозим, улар учун кўпроқ имкониятлар, фаолият самарасини орттириш учун замонавий механизмлар юзага келиши керак. Ҳозирги вақтда бу йўналишда кенг қамровли дастурлар ва режалар қабул қилинмоқда ва уларни амалга оширилиши йўналишида фаолият олиб борилмоқда. Тадбиркорлар ўз фаолиятлари билан аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қисмига ўз ёрдамини кўрсатади. Буни ўтган даврлар юзага келган кўплаб ҳолатлар кўрсатди. Тадбиркорлар томонидан ижтимоий ёрдамга мухтож аҳоли қатлами учун катта миқдорда ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилмоқда, беморлар учун бепул дори дармонлар тарқатилмоқда, тадбиркорликнинг ривожланишидан уларнинг ўзлари ҳам, уларнинг корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётганлар ҳам, улар жойлашган ҳудуд аҳолиси ҳам манфаат кўрмоқдалар.

Тадбиркорлик деганда фуқароларнинг ноаниқлик шароитида ўз таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари доирасида фаолият кўрсатиб, ҳудудлар ривожланиши ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш воситасида фойда олишга йўналтирилган мустақил фаолиятлари тушунилади. Улар ўз мулкларини ва воситаларни маълум даражада хатарли ва оқибати номаълум бўлган ҳамда таваккалга асосланган ҳолда фаолиятга сарфлайдилар ва фойда олишни кўзлайдилар. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши иқтисодий муваффақиятга эришишда юқори даражада таъсир кучига эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлайди. Тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодиётининг инновацион тарзда ривожланганининг асоси ҳисобланади. Тадбиркорлик орқали янгиликлар яратилиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши тезлашади. Уларнинг сони ва фаолияти тури кўпайиб борган сари иқтисодиёт ривожини сезиларли даражада олға силжийди, ялпи ички маҳсулот ҳажми ортиб боради. Уларнинг фаолиятлари натижасида эҳтиёжларни қондирадиган турли маҳсулотлар яратилади, хизматлар турлари юзага чиқади.

Тадбиркорликни бошқа фаолият турларидан фарқ қилишда «фойда олишга йўналтирилган фаолият»нинг ўзигина етарли бўлмайди. Тадбиркорлик фаолияти

билан шуғулланаётган тадбиркорлар мустақил фаолият юритиш кўникмасига эга бўлишлари ва мустақил равишда самарали қарорлар қабул қилишлари зарур. Улар ўз фаолиятларида мустақиллик, масъулият, таваккалчилик, фаол изланиш, ҳаракатчанлик, узлуксизлик, келажакни кўра билиш ва рағбатлантириш тамойилларига қатъий риоя қилишлари керак.

Глобаллашув шароитида тадбиркорлик фаолиятини янада жадал суръатларда ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўпроқ ўрганиш. уларнинг ижобий томонларини олиш ва ўзимизда қўллаш катта самара бериши мумкин.

2. Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш.

3. Биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш.

4. Тадбиркорликни ривожлантириш учун бу соҳага кўпроқ молиявий қўмак бериш, қўшимча солиқ имтиёзларини белгилаш ва шу кабиларни амалга ошириш лозим.

5. Йирик корхоналарни буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулладиган тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

6. Тадбиркорлик субъектларида ишлайдиган, айниқса қишлоқ жойларида уларга тегишли корхоналарда ишлайдиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга қўмаклашадиган тузилмалар яратиш лозим.

7. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар билан ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш лозим.

8. Шартнома мажбуриятларини бажариш юзасидан қатъий интизом ўрнатиш.

Хулоса. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб олган ҳар бир фуқаро ҳамда субъект қатор хусусиятларга эга бўлиши лозим. Шу билан биргаликда, улар юридик ва ижтимоий масъулиятни ҳис қилиши лозим. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти қонун-қоидалар ва меъёрий ҳужжатларни бузмаган ҳолда ўзлари оладиган фойда ҳажмини юқори даражада оширишга ҳаракат қилиши лозим. Ушбу нуқтаи назардан олганда, тадбиркор иқтисодий мақсадларни кўзламоқда. Шу билан биргаликда, у ўз фаолиятининг ўзи яшаётган жамиятга, атроф-муҳитга, инсонларга таъсирини ўрганиши, салбий таъсир томонларини қисқартириши ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшиши лозим. Юқорида келтирилган йўналишлар бўйича тадбирлар тузиш ва уларни амалга ошириш тадбиркорликни ривожлантиришга катта туртки бериши мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, "Ўзбекистон", 2022 йил.

3. 2025 йил 16 январь куни Шавкат Мирзиёев раислигидаги ўтказилган инвестиция масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишлари (https://t.me/Press_Secretary_Uz/5277)

4. Kazakov Olim Sabirovich Management of the economic power of business activities and its impact on its efficiency Journal of Pharmaceutical Negative Results, Volume 13 Special Issue 6, 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/25>

5. Elnara Alieva, Olim Kazakov EFFECTIVE APPLICATION OF INNOVATIONS OF THE "THIRD RENAISSANCE" IN INCREASING THE COMPETITIVENESS OF SMALL BUSINESSES Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan Central European Management Journal, Vol. 30 Iss. 3 (2022) ISSN:2336-2693 | E-ISSN:2336-4890, Retrieved from https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj.index.html

© Platform & Workflow by: Open Journal Systems.

6. Казаков О.С. Повышение эффективности использования экономических ресурсов. Journal of new century innovations. <http://www.newjournal.org/> Volume-22_Issue-1_February_2023

7. Казаков О.С. Управление результативностью производственных предприятий. Журнал "Экономика и социум" №1(104) 2023 www.iupr.ru

8. Kazakov Olim Sabirovich. Issues improvement managemet of production enterprises. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT E-ISSN: 2620-6269. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD>. Vol. 5 No. 2 | February 2023

9. Казаков О.С.,Валижанов Ш. Управление качеством продукции в условиях экономического кризиса. Международная научно-практическая конференция «Инновационный потенциал молодежи в современном мире», 19-20 апреля 2023 года. «Белорусский торгово-экономический университет потребительской кооперации».

10. Kazakov Olim Sabirovich. MANAGEMENT OF THE ECONOMIC POWER OF BUSINESS ACTIVITIES AND ITS IMPACT ON ITS EFFICIENCY. Journal of Pharmaceutical Negative Results | Volume 13 | Special Issue 6 | 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/5743/7083>

11. Казаков О. Тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. Хоразм Ма'mun akademiyasi axborotnomasi. 2023 – 7\2

12. Казаков О. Тадбиркорлик корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари. "Янги Ўзбекистон иқтисодиёти". Ўзбекистон Миллий Университети илмий журнали. № 5, 2023 йил.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

